2017 йил 24 март, жума

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 64 (13.397)

Баҳоси эркин нархда

# ЎЗБЕКИСТОН – ҚОЗОҒИСТОН: АЗАЛИЙ ДЎСТЛИК ВА СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИККА АСОСЛАНГАН ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг таклифига биноан 22-23 март кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлди.**

Олий даражадаги мазкур учрашув дўстлик, аҳиллик ва меҳр-оқибат айёми Наврўз кунларига тўғри келганида рамзий маъно бор. Зеро, бу жиҳатлар Ўзбекистон ва Қозоғистон муносабатларига ҳам хосдир.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 23 март куни Остона шаҳрида бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон пойтахтидаги "Ватан ҳимоячилари" монументига гул қўйди.

Ушбу монумент Президент Нурсултон Назарбоев ташаббуси билан 2001 йили Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган қозоғистонлик Ватан ҳимоячилари хотирасига бағишлаб бунёд этилган.

Давлатимиз раҳбари тинчлик, озодлик йўлида жон фидо қилган ватанпарвар инсонлар хотирасига ҳурмат бажо келтирди. Ёдгорлик мажмуаси билан танишди.

Шавкат Мирзиёев Қозоғистон пойтахтидаги Давлат раҳбарлари хиёбонига кўчат ўтқазди. Бу ерда Биринчи Президентимиз Ислом Каримов эккан дарахт баравж ўсмоқда.

Оқўрда қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон ва Қозоғистон давлат мадҳиялари янгради. Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Нурсултон Назарбоев фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Президентларнинг тор доирадаги учрашувида Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

Шавкат Мирзиёев мамлакатларимиз ўртасидаги яхши қўшничилик ва ҳамкорлик муносабатлари тобора мустаҳкамланиб бораётганини таъкидлади.

– Ўзбекистон ва Қозоғистон яқин қардош, асрлар давомида синалган шериклардир. Биринчи Президентимиз Ислом Каримов вафотидан кейинги оғир дамларда бу яқинлик яна бир бор намоён бўлди. Халқимиз Қозоғистон халқи ҳамдардлигини, қўллаб-қувватлаганини чуқур ҳис этди ва буни ҳеч қачон унутмайди. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик юксак ишонч ва ўзаро ҳурмат асосида ривожланмоқда. Турли даражадаги алоқалар фаоллашгани мамлакатларимизнинг кўп қиррали муносабатларни кенгайтиришдан манфаатдор эканининг тасдиғидир, – деди Президентимиз.

Нурсултон Назарбоев Шавкат Мирзиёевни Қозоғистонга давлат ташрифи билан қутлаб, бу икки давлат ўртасидаги мулоқотларнинг изчил давоми, томонларни қизиқтирган масалаларни муҳокама этиш учун қулай имконият эканини таъкидлади.

– Сизнинг ташрифингиз Наврўз байрами кунларига тўғри келгани қадамингиз қутлуғ эканидан далолатдир. Қозоғистон билан Ўзбекистон муносабатлари ҳар доим дўстона ва самарали бўлган. Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти, менинг қадрдон дўстим Ислом Каримов улкан ҳисса қўшган бундай яқин ҳамкорликни Сиз билан изчил давом эттирмоқдамиз. Кейинги ойларда мамлакатларимиз ўртасидаги савдо айланмаси 30 фоиз ўсгани, ўзаро янги маҳсулотлар етказила бошлагани бунинг тасдиғидир. Ташрифингиз доирасида ўтган бизнес-форумда қарийб 1 миллиард долларлик келишувларга эришилган. Сизнинг ушбу тарихий ташрифингиз мамлакатларимиз ҳамкорлигини янги босқичга кўтаради, – деди Қозоғистон Президенти.

Мамлакатларимиз ҳамкорлиги 1998 йилда Тошкентда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида Абадий дўстлик тўғрисидаги шартнома, 2013 йилда пойтахтимизда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома асосида тараққий этмоқда.

Ўзбекистон ва Қозоғистон халқаро сиёсий масалаларда бир-бирини қўллаб-қувватлаб келмоқда. Мамлакатларимиз икки томонлама ва БМТ, ШҲТ, МДҲ, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси каби халқаро тузилмалар доирасида самарали ҳамкорлик қилмоқда. Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар бўйича томонларнинг позициялари ўхшаш ёки яқиндир.

Ўзбекистон Қозоғистоннинг 2017-2018 йилларда БМТ Хавфсизлик кенгашига муваққат аъзоликка сайланишини қўллаб-қувватлади. Бу бутун минтақамиз давлатлари манфаатларини халқаро майдонда илгари суриш имконини беради. Қозоғистон Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш борасидаги ташаббусини қўллаб-қувватлаган, мамлакатимизнинг ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блокларга қўшилмаслик, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш тамойилларига асосланган ташқи сиёсатини юқори баҳолайди.

Учрашувда минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш, трансмиллий жиноятчилик ва хатарларга қарши курашиш масалаларига эътибор қаратилди. Марказий Осиёнинг етакчи давлатлари бўлган мамлакатларимиз ҳамкорлиги бутун минтақа барқарорлиги ва тараққиётида муҳим ўрин тутиши таъкидланди.

Шу йил 10 март куни Тошкентда мамлакатларимиз ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва давлат муассасалари раҳбарлари иштирокида ўтган музокаралар замонавий таҳдид ва хавф-хатарларга, диний экстремизм, терроризм, наркотрафик ва бошқа хавфларга қарши курашиш соҳасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Президентлар Афғонистондаги вазият юзасидан фикр алмашар экан, ушбу мамлакатда барқарорлик таъминланиши ва иқтисодиёт тикланишидан икки давлат ҳам бирдай манфаатдор эканини таъкидладилар. Афғонистон муаммоси фақат тинч йўл билан ҳал этилиши, бунинг учун БМТ шафелигида сиёсий музокаралар жараёнини тезроқ бошлаш зарурлиги қайд этилди.

Мамлакатларимиз минтақадаги трансчегаравий дарёлар сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасида бир хил позицияга эга экани яна бир бор тасдиқланди.

Президентлар мулоқотни икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида давом эттирдилар. Унда Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон мустақил тараққиёт йўлини бир даврда бошлаган. Иқтисодиётни қайта тиклаш ва ривожлантириш йўлида бир-бирига елкадош бўлиб келмоқда.

Бугун икки мамлакат ҳам ўз тараққиётининг янги босқичига қадам қўймоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси ишлаб чиқилди. Президент Нурсултон Назарбоевнинг Қозоғистон халқига жорий йилги мурожаатида Қозоғистонни модернизация қилишнинг учинчи босқичи белгилаб берилди.

Қозоғистон мамлакатимизнинг савдо-иқтисодий соҳадаги муҳим шерикларидан биридир. Ўзбекистон Қозоғистонга табиий газ, автомобиллар, транспорт воситалари, минерал ўғитлар, тўқимачилик, электротехника ва қурилиш материаллари, мева-сабзавот ва бошқа кўплаб товарлар, турли хизматлар экспорт қилади. Қозоғистондан юртимизга нефть, металл, ун, ёғ-мой маҳсулотлари келтирилади.

Мамлакатимизда Қозоғистон капитали иштирокида тузилган қарийб 230, Қозоғистонда Ўзбекистон ишбилармонлари билан ҳамкорликда ташкил этилган 130 дан ортиқ корхоналар фаолият юритмоқда.

2016 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2 миллиард долларни ташкил қилган. Бу мавжуд салоҳиятга мос келмаслиги, савдо айланмасини камида икки баробар ошириш имконияти борлиги алоҳида таъкидланди. Мамлакатларимиз иқтисодиёти рақобат қилмайди, аксинча, бир-бирини тўлдиради. Бунинг учун ҳукуматлараро комиссия ва қўшма савдо уйлари фаолиятини кенгайтириш, янги таъминот бозорлари ташкил этиш зарурлиги қайд этилди.

Жорий йил 23 февралда пойтахтимизда Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссиянинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Транспорт коммуникациялари соҳаси ўзаро ҳамкорликнинг яна бир устувор йўналиши ҳисобланади. Мамлакатларимизнинг автомобиль ва темир йўллари ўзаро интеграциялашган. Бу муҳим коммуникация тармоғи учинчи давлатлар учун ҳам транзит вазифасини ўтамоқда.

Қозоғистоннинг Мақтаарал тумани ҳудудидан ўтган Тошкент ва Самарқандни боғловчи автомобиль йўлининг очилиши, Тошкент – Олмаота тезюрар поезди ва икки мамлакат шаҳарлари ўртасида автобус қатновининг йўлга қўйилгани транспорт коммуникациясини янада кенгайтиради, ҳудудлараро алоқалар, савдо ва туризм ривожига хизмат қилади.

Музокарада транспорт соҳасида икки томонлама, узоқ муддатли тариф имтиёзлари берилиши мамлакатларимиз транспорт коридорлари рақобатдошлигини, самарадорлигини оширишга хизмат қилиши таъкидланди. Савдо-иқтисодий алоқалар динамикасини сақлаб қолган ҳолда уни диверсификация қилиш, экспорт-импорт ҳажми ва номенклатурасини кенгайтириш, саноат ва тадбиркорлик субъектлари кооперациясини ривожлантиришга келишиб олинди.

Ўзбек ва қозоқ халқлари азалдан ёнма-ён яшаган, қавму қариндош бўлган. Президентимиз ташаббуси билан икки мамлакат ҳудудлари ўртасидаги алоқаларга кенг йўл очилгани ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамламоқда. Ўзбекистондан Қозоғистонга, Қозоғистондан Ўзбекистонга турли даражадаги делегациялар ташриф буюрди. Жорий йил Тошкент вилояти делегацияси Қозоғистонда, Қизилўрда, Шарқий Қозоғистон ва Жанубий Қозоғистон вилоятлари делегациялари Ўзбекистонда бўлди.

Музокарада бундай алоқаларни янада кенгайтириш, маданий-гуманитар ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Музокаралар якунида давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро 13 ҳужжат имзоланди.

Шавкат Мирзиёев ва Нурсултон Назарбоев Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида стратегик шерикликни янада чуқурлаштириш ва аҳил қўшничиликни мустаҳкамлаш тўғрисидаги қўшма декларацияни имзоладилар.

Парламентаризм, солиқ, транспорт, мудофаа, савдо-саноат ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликка оид ҳужжатлар ҳам имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида 2017-2019 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик стратегияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида ҳудудлараро ҳамкорлик тўғрисидаги битим улар орасида алоҳида аҳамиятга эга.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Нурсултон Назарбоев музокаралар Ўзбекистон – Қозоғистон муносабатларига хос ўзаро ҳурмат ва самимият руҳида ўтгани, барча стратегик масалалар бўйича томонлар бир-бирини қўллаб-қувватлаганини алоҳида таъкидладилар. Ушбу ташриф мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ривожида тарихий аҳамият касб этиши, имзоланган ҳужжатлар халқларимиз манфаатларига хизмат қилиши қайд этилди.

Ташриф доирасида Остона шаҳрида Ўзбекистон Миллий саноат кўргазмаси ва икки мамлакат ишбилармон доиралари иштирокида бизнес-форум бўлиб ўтди. Бизнес-форумда Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг 500 дан ортиқ ишбилармонлари иштирок этди. Уларнинг якунлари бўйича умумий қиймати қарийб 1 миллиард доллар бўлган савдо шартномалари ва инвестициявий битимлар имзоланди.

Куннинг иккинчи ярмида Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Нурсултон Назарбоев "Остона-Опера" Давлат опера ва балет театрига ташриф буюрдилар.

Қозоғистон Президенти ташаббуси билан қурилган ушбу театр 2013 йилда фойдаланишга топширилган, томоша зали 1250 ўринга мўлжалланган.

Президентлар бу ерда "Қиз Жибек" операсини томоша қилдилар.

Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентлари "Назарбоев университети" ва "MEGA Silk Way" савдо марказини бориб кўрди.

Университетга илк талабалар 2010 йилда қабул қилинган. Унинг таркибида 8 мактаб, бир марказ ва кутубхона бор. Таълим халқаро андозалар асосида олиб борилади. Ҳар йили университетни 440 дан ортиқ бакалавр ва 170 дан зиёд магистр битиради.

Давлатимиз раҳбари университетнинг Фахрий меҳмонлар китобига дастхат ёзиб қолдирди.

"MEGA Silk Way" савдо марказида савдо дўконлари, спорт ва кўнгилочар шохобчалар, турли офислар жойлашган. Ушбу марказ шу йил 10 июндан 10 августгача Остона шаҳрида ўтказиладиган "ЭКСПО – 2017" халқаро кўргазмасига мезбонлик қиладиган меъморий ансамблнинг муҳим қисми ҳисобланади.

Бу ерда ўзбек ва қозоқ халқларининг ашула ва рақслари, миллий ҳунармандлик маҳсулотлари намойиш этилди.

Президентлар "ЭКСПО – 2017" халқаро кўргазма майдонининг "Нур олам" павильонига ташриф буюрдилар.

Шавкат Мирзиёев "ЭКСПО – 2017" ихтисослаштирилган халқаро кўргазмаси ишбилармон доиралар, корхоналар ўртасида ҳамкорликни янада кенгайтириш, истиқболли келишувларга эришиш йўлида муҳим тадбир бўлишини таъкидлади.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қозоғистон Республикасига давлат ташрифи ниҳоясига етди. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевни Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев кузатиб қўйди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қозоғистонга давлат ташрифи якунлари мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларда янги саҳифа очди, унинг янги уфқларини белгилаб берди, икки қардош халққа улкан хурсандчилик бағишлади.

**Анвар САМАДОВ,**
**ЎзА махсус мухбири**
*Тошкент – Остона – Тошкент.*

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманидаги "Ариранг" қариялар уйида ўтказилган маданий-маърифий тадбир "Нуронийлар эъзозимизда" деб номланди.**

**● Нурота қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежини битирувчи қизларнинг 45 нафарига "Савдогарбанк" вилоят филиали томонидан замонавий тикув дастгоҳлари топширилди. Таъкидлаш жоизки, жорий йилда вилоятдаги касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик фаолияти ва бизнес лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банклари томонидан 24 миллиард 500 миллион сўмга яқин имтиёзли кредит маблағи ажратилиши белгиланган.**

**● Сирдарёда ўтказилган "Энг намунали сардорлар кенгаши" танловининг вилоят босқичида 10 жамоа иштирок этди."Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати қошидаги "Камалак" болалар ташкилоти томонидан ташкил этилган ва уч шарт бўйича ўтказилган танловда Янгиер шаҳрининг "Тафаккур" жамоаси сардорлар кенгаши биринчи ўринни эгаллади ва мамлакат босқичига йўлланма олди.**

**● Гулистон шаҳрида умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган "Камолот" шахмат тахтаси" турнирининг Сирдарё вилояти босқичи бўлиб ўтди.**

**● Юртимизда Наврўзи олам кенг нишонланаётган шу кунларда Қорақалпоғистон Республикасида ҳам чигит экиш ишлари бошлаб юборилди. Элликқалъа тумани деҳқонлари Қорақалпоғистон Республикасида биринчилардан бўлиб тупроққа уруғ қадади. Шу муносабат билан туманнинг "Ақчакўл" овул фуқаролар йиғини ҳудудидаги Худойберган Эрназаров номидаги фермер хўжалиги даласида кўргазмали семинар бўлиб ўтди.**

### ЖАҲОНДА

**● Кеча Англия пойтахтида минглаб лондонликлар иштирокида қабиҳ террорчилик ҳаракати қурбонлари хотирасини ёд этиш маросими бўлиб ўтди.**

**● Кеча Харьков областининг Балаклава районида жойлашган қурол-аслаҳалар жойлашган омборда портлаш рўй бериб, кучли ёнғин чиқди. Портлаш натижасида ён-атрофдаги саккизта уйга шикаст етди, 20 мингдан ортиқ аҳоли хавфсиз жойларга кўчирилди. Ҳозирча ёнғинни жиловлашнинг иложи бўлмаяпти.**

**● Кеча Италиядан Швейцария томон ҳаракатланаётган йўловчи поездининг Швейцариянинг Люцерн шаҳрида издан чиқиб кетиши натижасида саккиз киши жабрланди. Ҳозирда воқеа сабаблари аниқланмоқда.**

**● Эфиопия пойтахти Аддис-Абеба чеккасида жойлашган чиқинди полигонида чиқинди уюмларининг кулаши оқибатида ҳалок бўлганлар сони 113 нафарга етди. Қутқарув операцияси давомида 40 га яқин кишини қутқариб қолишга муваффақ бўлинди. Мамлакатда фожиа қурбонлари хотирасига уч кунлик мотам эълон қилинди.**

# ҚОЗОҒИСТОНДА ЎЗБЕКИСТОН САНОАТИНИНГ САЛОҲИЯТИ НАМОЙИШ ЭТИЛДИ

***Остона шаҳрида Ўзбекистон Миллий саноат кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз саноат корхона ва компаниялари ўз маҳсулот ва хизматларини тақдим этди.***

Мамлакатимизда саноат корхоналарини ташкил этиш, хусусий тадбиркорлик субъектлари маҳсулотларини экспорт қилишга кўмаклашиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, юртимиз экспорт салоҳиятини муттасил ошириш имконини бераётир.

Ўзбекистон саноат маҳсулотлари жаҳон бозорларида мустаҳкам ўрин эгалламоқда. Мамлакатимиз корхоналарида озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак, қурилиш материаллари, юқори технологияли замонавий техника ва бошқа товарлар ишлаб чиқарилмоқда. Халқаро стандартларга мувофиқ тайёрланаётган ушбу маҳсулотларга хорижий давлатларда талаб катта.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасидан маълум қилишларича, ўтказилган мазкур саноат кўргазмасида мамлакатимиз тадбиркорлари жамғарма кўмагида Қозоғистонга тўқимачилик, мева-сабзавот, озиқ-овқат, мебель ва қурилиш материаллари етказиб бериш бўйича қиймати 24 миллион доллардан зиёд қарийб йигирмага яқин экспорт шартномаси тузган. Кўргазмага келганлар савдо, иқтисодиёт соҳаларида мамлакатимиз имконияти ва салоҳияти, бизнес юритиш учун яратилган шароитлар, шунингдек, жамғарманинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини ошириш, экспорт фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган фаолияти ҳамда хизматлари билан таништирилди.

Кўргазмада Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Қозоғистоннинг йирик савдо тармоқлари, уюшма ва компаниялари билан музокаралар ўтказди. Қўшни давлат тадбиркорлари Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатининг юқорилигини ва мамлакатимиз компаниялари билан узоқ муддатли муносабатларни йўлга қўйишдан манфаатдор эканини таъкидлади. Хусусан, музокаралар якунлари бўйича Қозоғистоннинг “Агромакс Остона” компанияси билан ушбу давлатда консерваланган палов тайёрлашни ташкил этиш, юртимизда ишлаб чиқарилган қуритилган ва консерваланган мева-сабзавот маҳсулотларини харид қилиш бўйича келишувларга эришилди. “Дархан Груп” (Қозоғистон) компанияси вакиллари махсус кийим-кечак, қурилиш қўлқоплари, кабель ва бошқа маҳсулотлар сотиб олиш мақсадида ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчилар билан тўғридан-тўғри шериклик алоқаларини ўрнатишдан манфаатдор эканини билдирди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси “Kazakhexport” экспорт суғурта компанияси”, “KAZNEX INVEST” экспорт ва импорт миллий агентлиги” акциядорлик жамиятлари, “Мева-сабзавот бирлашмаси” халқаро ассоциацияси ва Қозоғистон савдо корхоналари ассоциацияси билан ўзаро англашув меморандумлари имзолади. Мазкур ҳужжатларда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни Қозоғистон бозорларига етказиб беришни йўлга қўйиш, қўшма корхоналар ташкил этиш ва уларнинг низом жамғармасида иштирок этиш, лойиҳаларни молиялаштириш, ҳамкорликда бизнес-форумлар, кооперация биржа ва бошқа тадбирларни ўтказиш, кўргазма ҳамда ярмаркаларда қатнашиш, ишончли шериклар топиш, маркетинг тадқиқотлари ва бошқа кўплаб тадбирларни ташкил этиш орқали Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада фаоллаштириш кўзда тутилган.

Ўзбекистоннинг Қозоғистонда ўтказилган миллий саноат кўргазмасида тузилган шартномалар ва эришилган келишувлар экспорт ҳажмини янада ошириш ва кўламини кенгайтириш, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилади.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбири**

***Пойтахтимизда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сиёсий кенгаши ижроия қўмитасининг ҳудудий партия ташкилотлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари, партия фаоллари иштирокида видеоконференция бўлиб ўтди, дея хабар беради ЎзА.***

# ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Унда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда уни Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида амалга оширишга оид Давлат дастури, партиянинг жорий йилга мўлжалланган комплекс ҳаракат дастурида белгилаб берилган устувор вазифаларнинг жойлардаги ижроси муҳокама қилинди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси раиси С.Турдиев ва бошқалар Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ҳаётга татбиқ этилаётган изчил ислоҳотлар, амалий саъй-ҳаракатлар янги тараққиёт марраларини эгаллаш, замон шиддатига мос тарзда ривожланиш, халқимиз манфаатларини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятли эканлигини таъкидлади.

Ҳаракатлар стратегиясидаги бешта устувор йўналишдан учинчиси – иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш бевосита партия дастурий мақсад ва вазифалари билан ҳамоҳанглиги қайд этилди. Мазкур чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича партия томонидан аҳоли томорқаларидан унумли фойдаланишни таъминлашга қаратилган амалий тарғибот-тушунтириш ишлари, кичик бизнесни ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, турли сабабларга кўра фаолиятини тўхтатган тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тиклаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳар ойда барча туман, шаҳар партия ташкилотлари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ва кўп тармоқли фермер хўжаликлари вакиллари иштирокида очиқ мулоқотлар ташкил этиб бориш, аниқланган муаммоларни мутасадди ташкилот ва идоралар кўмагида ҳал этиш вазифаси белгилаб олинган.

Жорий йилнинг январь-февраль ойларида ташкил этилган очиқ мулоқотлар самарасида кўплаб тадбиркор ва фермерлар фаолияти билан боғлиқ муаммолар жойида ҳал этилди.

Йиғилишда партиянинг депутатлик гуруҳлари томонидан олиб борилаётган ишлар атрофлича таҳлил қилиниб, йўл қўйилган камчиликлар юзасидан танқидий фикрлар, уларни бартараф этишга қаратилган таклиф ва тавсиялар билдирилди.

**Ш.МАМАТУРОПОВА**

# “ЯГОНА ДАРЧА” МАРКАЗЛАРИ ТАДБИРКОРЛАР ХИЗМАТИДА

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 сентябрдаги “Тадбиркорлик субъектларига “Ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига асосан Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси негизида 2016 йилнинг январь ойидан бошлаб “Ягона дарча” марказлари ўз ишини бошлади.***



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 февралдаги “Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорига кўра “ягона дарча” марказлари туман (шаҳар) ҳокимликлари тузилмасидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тасарруфига ўтказилди.

Бугунги кунда юридик ва жисмоний шахсларга янада қулайлик яратиш мақсадида марказлардаги муҳандислик тармоқлари тизими янгиланди, ташриф буюрувчилар учун кутиш заллари, қабул бўлими, кассаларда барча шарт-шароитлар яратилди.

Ана шундай ижобий ишларни янада кенгайтириш мақсадида қарорда талаб энг юқори бўлган қўшимча 86 турдаги лицензия ва рухсатномаларни “ягона дарча” марказлари орқали расмийлаштириш механизмини босқичма-босқич жорий этиш назарда тутилган. Бунинг натижасида тадбиркорлик субъектлари юқоридаги лицензия ва рухсатномаларни олиш учун бошқа идораларга бормасдан, “ягона дарча” марказларига тўғридан-тўғри мурожаат қилиш имкониятига эга бўлади.

“Ягона дарча” марказлари орқали давлат хизматларини сифатли ва самарали кўрсатишга тўсқинлик қиладиган муаммоли масалаларни тезкорлик билан ҳал этиш учун тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш соҳасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича Республика ва ҳудудий комиссиялар ташкил этилди.

Мазкур комиссиялар тизимли равишда, шу жумладан жойларда халқ билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш орқали муаммоларни аниқлаш ва давлат хизматларининг сифати, очиқлиги ва шаффофлигини оширишга қаратилган зарур чораларни кўриш билан шуғулланади.

Мазкур юклатилган вазифалардан келиб чиқиб, ҳудудий комиссиялар томонидан “ягона дарча” марказлари орқали кўрсатилаётган давлат хизматлари доимий равишда таҳлил этиб борилмоқда ва бу жараёнда тадбиркорлик субъектларига асоссиз равишда рад жавоби берилаётган ва хизматлар кўрсатишда қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларни бузиш ҳолатларига йўл қўяётган ташкилотларга тегишли таъсир чоралари қўлланилмоқда. Бундан ташқари, ҳар ҳафтанинг пайшанба куни ўтказилаётган профилактика тадбирлари доирасида назорат қилувчи идоралар, шунингдек “ягона дарча” марказлари орқали давлат хизматларини кўрсатадиган ташкилотлар вакилларига тегишли тушунтиришлар бериб борилмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур Қарори, шубҳасиз, тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатишни янги сифат босқичига кўтаришга, аҳолининг давлатга нисбатан ишончини оширишга, “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган эзгу ғояни ҳаётга жорий этишга кўмаклашади.

**У.АШУРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма прокурори**
**А.БУРИЕВ,**
**Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси бўлим бошлиғи**

***Мамлакатимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш ҳамда кичик бизнес, хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш ва бу борада қулай шарт-шароитлар яратиш юзасидан кенг кўламли, изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда.***

Ислоҳотлар оқимида

# АХБОРОТ КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ТАРАҚҚИЁТИ – ДАВР ТАЛАБИ

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан 2016 йилда “Электрон солиқ хизматлари – my.soliq.uz” янги порталининг ишга туширилиши тадбиркорлик субъектларига катта имкониятлар яратиб берди. Портал солиқ органлари фаолиятининг шаффофлигини таъминлаш, тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига солиқ тўлашда қулай шароит яратишга хизмат қилмоқда. Бугунги кунда, портал орқали 31 та электрон давлат хизматлари, шу жумладан, 18 та интерактив ва 13 та ахборот электрон хизматларидан юридик ва жисмоний шахслар фойдаланмоқдалар.

Порталда солиқ мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ барча масалаларни электрон шаклда ҳал этишга мўлжалланган юридик ва жисмоний шахсларнинг “шахсий кабинет”лари янада қулай кўринишда қайта ишлаб чиқилган. Бундан ташқари, якка тартибдаги тадбиркорлар учун алоҳида “шахсий кабинет” жорий этилган. Ушбу хизматлар куннинг 24 соати давомида узлуксиз ва бепул ишламоқда.

Шунингдек, портал орқали солиқларни мустақил равишда ҳисоблаб чиқариш, ҳисобот ва солиқ декларацияларини юбориш, расмий тушунтиришлар ва 14 хил турдаги маълумотномаларни олиш мумкин. Корхонанинг ҳисоб рақамига қўйилган инкассо топшириқномалари рўйхати билан танишиш, солиқларни реал вақт (онлайн) режимида тўлаш, корхонага юборилган огоҳлантириш хабарномалари тўғрисида тезкор хабардор бўлиш, фуқароларга ҳисобланган суғурта бадалларини кўриш каби 10 дан ортиқ янги имкониятлар ҳам яратилган.

Жумладан, портал ёрдамида эндиликда тадбиркорлик субъектлари барча турдаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни онлайн режимида тўлашлари мумкин. Бунинг учун электрон рақамли имзо калити орқали шахсий кабинетга кириб, солиқ турини танлаш ва тўлов суммасини кўрсатиб, “тўлаш” тугмасини босиш кифоя. Корхонанинг электрон тўлов топшириқномаси банкка автоматик равишда етказилади ва шу заҳотиёқ тўлов амалга оширилиб, солиқ тўловчининг шахсий карточкасига қайд этилади.

Солиқ тўловчилар учун интерактив хизматлар ёрдамида мустақил равишда ҳисобланган, жисмоний шахсларга тегишли бўлган мол-мулк ва ер объектлари учун солиқларни “Click”, “MBank” ҳамда “U-Pay” хизматлари воситасида уй ёки кабинетдан чиқмаган ҳолда тўлаш имкониятининг яратилганлиги солиқ тўловчиларни солиқ мажбуриятларини бажариш учун банк ёки солиқ органларига ташриф буюриш билан боғлиқ оворагарчиликлардан халос этади. Булардан ташқари, расмий “my.soliq.uz” сайтидан электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда онлайн режимида жойлардаги “Ягона дарча” марказлари томонидан тадбиркорлик субъектларига солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР) бериш тизими ишга туширилган. СТИР бугунги кунда солиқ тизимида муҳим аҳамият касб этиб, барча солиққа оид ахборотларни ягона базага бириктиришда асосий мезон бўлиб хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, республикамизда олиб борилаётган пухта солиқ сиёсати барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашга, мамлакатимизнинг янада гуллаб-яшнаши ва аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришда муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

**Акмал РАҲИМОВ,**
**Сергели туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи ўринбосари**

Наврўз – 2017

# ДИЛЛАРГА ҚУВОНЧ БАҒИШЛАДИ

***Ўлкамизга файзу таровати билан янгиланиш ва яшариш байрами бўлмиш Наврўзи олам ташриф буюрди.***

Бу гўзал байрам аждодларимиз неча минг йиллардан буён нишонлаб келаётган гўзаллик ва нафосат айёми ҳисобланади. Шаҳримизнинг барча туманларида яшариш ва меҳр-оқибат айёми бўлмиш – Наврўзи олам байрами кўтаринки руҳда нишонланмоқда.

Жумладан, “Тошкент иссиқлик маркази” ДУКда ҳам қутлуғ байрамга бағишланган тадбир ўтказилди. Корхона ишчи-ходимлари, дориломон кунларга шукроналик ҳиссини туяётган отахон ва онахонлар, меҳнат фахрийлари, ёшлар, эл севган санъаткорлар иштирок этган тадбирда сўзга чиққан корхона директори А.Кирюшенков, Маънавият тарғибот маркази Мирзо Улуғбек тумани бўлими раҳбари М.Эронов ва бошқалар мамлакатимизда Наврўз йил боши, тинчлик, бунёдкорлик, яратиш ва янгиланиш, хайр-саховат байрами сифатида халқимиз томонидан азал-азалдан нишонланиб келинаётганини таъкидлашди. Йиғилганларни табриклаб, ишларида омад ва муваффақиятлар тилашди. Сўнгра навбат тадбирга яхши кайфият, хурсандчилик улашиш учун таклиф қилинган шоир ва санъаткорларга берилди.

Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Хайрулла Лутфуллаев тадбирни гўзал куй ва қўшиқлари билан очиб берди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг шеърият бўлими мудири Икром Отамурод ўз ижод намуналаридан ўқиб, барчани хушнуд этди. “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси хонандалари, “Меридиан” вокаль чолғу, “Оазис” ансамбллари хонандалари томонидан она Ватан, тинчликни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар жаранг сочди. Дастурхон атрофида йиғилганлар шундай гўзал юртимизга кўз тегмасин, дея ният қилишди.

**Зиёда РАСУЛОВА**

* * *

***Шу кунларда Наврўз шодиёналари маҳаллаларда, таълим муассасалари, корхона ва ташкилотларда ҳам кўтаринки кайфиятда нишонланмоқда.***

Ана шундай тадбирлардан бири Шайхонтоҳур туманида жойлашган 20-умумтаълим мактабида ҳам бўлиб ўтди. Карнай-сурнай садолари янграб, барчани Наврўз тантанасига чорлади. Меҳмонлар даврасидан ўрин олган Ўзбекистон халқ артистлари Рихси Иброҳимова ва Гавҳар Зокировалар барча йиғилганларни Наврўзи олам байрами билан муборакбод этишди.

Дастурхонлар тузалиб, баҳорий таомлар тортилган давра барчага яхши кайфият, қувноқлик, шодлик улашди.

Тадбир қатнашчилари, кекса отахону онахонлар дуога қўл очиб, элу юртимизга тинчлик, омонлик, дастурхонларимизга тўкинлик, баракани тиладилар. Халқимиз ардоғидаги санъаткорларнинг дилрабо куй-қўшиқлари даврага янада файз киритди.

* * *

***Наврўз байрами тадбирларидан бири Сергели туманида жойлашган “Шукрона” маҳалласида ҳам ўзига хос тарзда нишонланди.***

Маҳалла тўйхонасида байрам дастурхони тузалди. Сумалак, кўк сомсалар тортилди. Карнай-сурнай садолари янгради.

– Маҳалламизда 3 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади, – дейди “Шукрона” маҳалла фуқаролар йиғини масъул котиби Шоҳиста Соатова. – Аҳолимиз аҳил, иноқликда яшаб келишади. Наврўз арафасида ҳашар уюштириб, маҳалламиз ободлигига ҳисса қўшдик. Ҳар бир кўп қаватли уй олдидаги болалар майдончалари намунавий ҳолатга келтирилди. Дарахтлар оқланди, йўлак атрофлари тозаланди, гуллар экилди. Бугунги байрамга маҳалла фаоллари, нуроний кексаларимиз, кам таъминланган оилаларни таклиф этдик. Наврўз нафақат яшариш, янгиланиш, балки меҳр-оқибат, хурсандчилик байрами эканлигининг гувоҳи бўлаяпмиз.

Дастурхонга ўзбекона миллий таом – ош тортилди. Куй-қўшиқлар янгради. 168-мактаб ўқувчилари томонидан тайёрланган бадиий чиқиш барчага манзур бўлди. Жамоат ишларида фаол иштирок этган маҳалла фаолларига фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

**З.ШАРИФЖОНОВ**

Реклама ўрнида




## ИЛҒОР УСУЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИБ

Кимки Тошкентнинг айланма йўли, Қорасув-4 мавзеси рўпарасидан ўтиб, йўл четидаги икки қаватли ҳаво ранг бинонинг пештоқига ўрнатилган "Frank Medic" ёзувига кўзингиз тушган бўлса, ажаб эмас. Албатта, орамизда ушбу муассаса фаолияти билан яхши таниш бўлган инсонлар топилади, айни пайтда унинг соғлиқни сақлаш нуқтаи назаридан аҳамияти ҳақида тушунчага эга бўлмаганлар ҳам бор.

"Frank Medic" хусусий клиникаси – эндокринологик ва урологик муаммолари бор беморларни терапевтик таъсирнинг кичик инвазив усулларидан фойдаланилган ҳолда даволашга ихтисослашган кам сонли нодавлат тиббий муассасаси ҳисобланади. Шуни ҳам қайд этиш керакки, ушбу йўналишларда тиббий ёрдам кўрсатиш мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида алоҳида аҳамиятга эга, зеро эндокрин ва урологик касалликлар кўпинча сурункали характерга эга бўлиб, оғир асоратларни келтириб чиқариши, бу эса ногиронликка ва ҳатто ўлим ҳолатларига сабаб бўлиши мумкин.

МДҲ мамлакатларида тиреоид патология билан боғлиқ вазиятнинг ривожланиш истиқболлари асосан шунга олиб келадики, гипотиреозлар даврийлиги ўсиб боради. Эндемик жараённинг мавжуд оғир ҳолатида ҳозирча эндемиянинг тиғизлиги даражаси пастлигича қолмоқда. Касаллик таркибида буқоқнинг илк, бошланғич шакллари етакчилик қилмоқда. Буқоққа оид эндемиялар зоналарида эса одатда параллель равишда буқоқнинг тугунли шакллари, қалқонсимон безнинг онкологик касалликлари ва бошқа сабабларга кўра тезкор аралашувлар сони ортиб бормоқда. Статистика шуни кўрсатадики, гипотиреоз кўпинча оператив даволашнинг оқибатида юзага келади.

Хотин-қизларда эркакларга нисбатан ўн баравар кўпроқ қалқонсимон без билан боғлиқ хасталиклар ривожланади. Ўз ҳаёти давомида хотин-қизларнинг бештадан биттаси ушбу муаммоларга дуч келиши хавфи ўта юқори. Афсуски, ёш ўтган сайин, жинсига кўра қалқонсимон без хасталикларига дуч келиш хавфи, фақат тенглашиб боради.

Бугунги кунга келиб, минглаб юртдошларимиз қалқонсимон без муаммоларини даволашнинг илғор кам инвазив усулларининг самарасини ўзида синаб кўрди ва афзалликларини баҳолай олди. Ушбу усулларнинг асосий афзалликлари бунда қон чиқарилмаслиги, оғриқсизлиги, нархининг қиммат эмаслиги ва беморнинг тез фурсатда оёққа туриб кетиши билан изоҳланади.

Энг самарали усуллардан бири бу – интерстициаль лазерли фотокоагуляция. Бу лазер нури ёрдамида қалқонсимон безнинг хавфли бўлмаган тугунларини бартараф этишнинг замонавий кам жароҳатли усули бўлиб, бунда анестизия ва беморни стационарга ётқизиш талаб қилинмайди. Усулнинг моҳияти шундаки, бунда қалқонсимон безнинг тугунларига ультратовуш назорати остида лазер нури билан ишлов берилади. Шундан сўнг шикастланган тугун емирилади, ўсмай қўяди ва вақт ўтиши билан ўрнида чандиқ тўқималари ҳосил бўлади ва кичраяди ёки мутлақо йўқ бўлиб кетади. Ушбу усул тугунли буқоқни бошланғич босқичларида даволаш ва келгусида операциядан сақланиш имконини беради.

Барча муолажалар амбулатория шароитида бажарилади ва бемор муолажа ўтказилган куни уйига қайтиши мумкин.

Сиз ҳам ана шундай муаммоларга дуч келган бўлсангиз, "Frank Medic" мутахассисларига мурожаат қилишга таклиф этамиз. Бу ерда юқорида санаб ўтилган имкониятлардан ташқари, замонавий лаборатория, зарбли-тўлқинли терапия кабинети, УТТ, "эндокринология", "урология", "гинекология", "неврология" ва "остеопатия" йўналишлари бўйича тор мутахассислар сизнинг ихтиёрингизда бўлади.

"Frank Medic" клиникаси ҳақидаги сўзимизнинг якунида, сиз қадрли газетхонларни шифокорлар номидан Наврўз байрами билан табриклаймиз, мустаҳкам соғлиқ ва йил давомида баҳорий кайфият тилаб қоламиз!

**Манзилимиз: Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тумани, Қорасув-4, 3Б.**

**Телефонлар: (+99871) 266-11-19, 266-10-90, 266-24-23, (+99890) 178-70-11.**

**Хизматлар лицензияланган.**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**Азиз ҳамшаҳарлар!**

**Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси турли тиббиёт соҳаси мутахассисларини доимий ишга таклиф этади**

Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси шаҳарда доимий рўйхатда турган турли тиббиёт соҳаси мутахассисларини пойтахтдаги соғлиқни сақлаш муассасаларида ишлаш учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича доимий ишга таклиф этади:

- *умумий амалиёт шифокори*
- *мактаб ва боғча педиатри*
- *шифокор-лаборант*
- *рентгенолог*
- *психиатр*
- *иммунолог*
- *нефролог*
- *анестезиолог-реаниматор*
- *фтизиатр*
- *инфекционист*
- *фармацевт*
- *нарколог*
- *стоматолог*
- *аллерголог*
- *неонатолог*
- *шифокор-статист*

**Мурожаат учун:**
**Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси. Манзил: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Махтумкули кўчаси, 2**
**Тел: 233-40-93**

Тошкент меҳмонхона хўжалиги ва сервис касб-ҳунар коллежига 2016-2017 ўқув йили учун тўлов-контракт асосида бухгалтерия, ошпаз, меҳмонхона ва ресторан хизматлари менежери йўналишларига ўқувчилар ўқишга қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 1 йилу 6 ой.

Манзил: Шайхонтоҳур тумани, С.Дарвоза кўчаси, 60-уй.

Мурожаат учун телефонлар: (71) 273-64-51; (71) 273-64-60; (93) 597-83-30; (97) 755-62-08

### ДИҚҚАТ, АКЦИЯ!

Бизнинг саёҳат корхонамиз Тошкентдан Самарқанд шаҳрига саёҳат уюштиради.

Бир кунлик саёҳат нархи – 55 минг сўм (ҚҚС)сиз. Одам сони – 55 киши.

Бор-йўғи 220 минг – акция пайтида бўлгани учун 140 минг сўмга 2 (икки) кунлик саёҳат давомида Самарқанд шаҳрини томоша қилиб келишингиз мумкин.

Сайёҳлар меҳмонхона, эрталабки нонушта билан таъминланади.

Корхонамиз томонидан Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларига – Бухоро, Урганч, Хива, Самарқанд, Термиз ва Фарғона водийси шаҳарларига ҳам келишилган нархларда саёҳатлар уюштирилади.

Шошилинг, қўнғироқ қилинг, саёҳатга отланинг.

Боғланиш телефонлари: (93) 720-13-13, (98) 273-02-95, (95) 508-74-33, (95) 507-04-60.

e-mail. tokio.sam@mail.ru

Хизматлар лицензияланган. Турлар – сафарлар сертификатланган.

### ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлдаги "Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, жорий йилда уюштириладиган X Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасига тайёргарлик доирасида 30 март куни "Ўзкўргазмасавдо" мажмуасида олий таълим ва илмий-тадқиқот институтлари олимлари томонидан яратилган инновацион ишланмаларнинг Тошкент шаҳар ҳудудий кўргазмаси бўлиб ўтади. Тадбирда шунингдек, ўз соҳаларига янги инновацион лойиҳалар, маҳсулотларни татбиқ этиб фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар ҳам иштирок этади.

Мурожаат учун телефонлар: 239-04-94, 239-04-58.

### "ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.**

Тошкент шаҳар ва Юнусобод тумани хотин-қизлар қўмитаси Юнусобод тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Наргиза Рамазановна Қўзиевага падари бузруквори

**Рамазон ота ҚЎЗИЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

